


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
хузуридаги Божхона
қўмитасининг Божхона институти
бошлиғи

Хабибов Р.И

“12” июнь 2023 йил




“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси Жамоат
хавфсизлиги
университети
бошлиғи, профессор

Рустамбаев М.Х.

“12” июнь 2023 йил



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги
Божхона қўмитасининг Божхона институти “Иқтисодий ва ижтимоий
фналар” кафедраси ва Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети “Иқтисодий фналар” кафедраси ўртасида тузилган

ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

2023 йил “12” июнь

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш” тўғрисидаги ПФ-6079-сонли фармони ва 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармонига мувофиқ, бир томондан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти “Иқтисодий ва ижтимоий фналар” кафедраси бошлиғи, божхона хизмати полковниги, и.ф.н., доцент У.Юлдашева ва иккинчи тарафдан Жамоат хавфсизлиги университети “Иқтисодий фналар” кафедраси (кейинчалик матнда Университет) бошлиғи иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Ж.Ж.Урмонов билан ўзаро ҳамкорлик қилиш мақсадида тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАҚСАДИ

Университетда ўқув жараёни, ўқув-услубий, маънавий-маърифий, ташкилий-услубий ва илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этишни такомиллаштириш ва ривожлантириш, фан ютуқларини амалиётга жорий этиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш, янги ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий кўрсатмалар, дастур ва дарсликларни ҳамкорликда тайёрлаш, илмий-тадқиқотларни ҳамкорликда ўтказиш, амалга ошириш, амалиётга қўллашга кўмаклашиш, таълим йўналишларига мос инновацион ишланма ва илғор тажрибалар борасидаги илмий ишланмаларни амалиётга қўллаш, олий таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик ва ва узлуксизликни таъминлаш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш ушбу Шартноманинг мақсади хисобланади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Божхона институтининг мажбуриятлари:

2.1.1. Жамоат хавфсизлиги университетида ўқув жараёни, ўқув-услубий, маънавий-маърифий, ташкилий-услубий ва илмий-тадқиқот фаолиятни ташкил этиш, такомиллаштириш ва ривожлантиришга илмий-услубий, ташкилий ва амалий ёрдам бериш ва ҳамкорлик қилиш;

2.1.2. Меъёрий-хуқуқий хужжатларга мувофиқ Университетда тайёрланадиган барча мутахассисликлар бўйича Давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва дастурларини экспертизадан ўтказиш, уларни амалга жорий этишни ўрганиш ва тегишли ташкилий-услубий ёрдам бериш;

2.1.3. Университетдаги “Иқтисодий фанлар” кафедрасида ўқитиладиган фанларидан ўкув режалари ва дастурларига мувофиқ фанлар бўйича ўкув адабиётлари, ўкув-услубий мажмуалар ва ўкув-дидактик материаллар ишлаб чиқиш ва уларни ўкув жараёнига жорий этишга амалий-услубий ёрдам бериш;

2.1.4. Университетнинг профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш, хусусан, уларнинг илғор таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация воситаларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришга амалий ёрдам кўрсатиш;

2.1.5. Университетнинг иқтидорли курсантлари ва талабаларини танлаш ва уларни илмий-тадқиқот фаолиятига жалб этишга, уларнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини Институт илмий журнали ва бошқа илмий манбаларида чоп этишга кўмаклашиш;

2.1.6. Университет ўқитувчиларини, хусусан, ёш иқтидорли педагогларни илмий-изланувчанлик жараёнига фаол жалб этиш мақсадида, кафедра ўқитувчиларини илмий-тадқиқот билан шуғулланишлари ва келгусида фан докторлари тайёрлашга (жумладан мақсадли асосда) кўмаклашиш;

2.1.7. Университет ўқитувчилари ва курсантларига Институт Ахборот-ресурс марказидан фойдаланишга имконият яратиш;

2.1.8. Университетда илмий-услубий, илмий-амалий конференциялар, семинарлар ташкил этишга, халқаро ўкув, илмий-тадқиқот алокаларини шакллантириш ва ривожлантиришга, профессор-ўқитувчилар, курсант хамда талабаларларни халқаро илмий ва ўкув грантларида иштирок этишларига кўмаклашиш;

2.1.9. Университетда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, курсант ва талабаларни бўш вақтларини унумли ташкил этиш, курсантларда она Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллатимиз, динимиз ва тарихимизга ёт бўлган турли иллатларга қарши мустаҳкам иммунитет ҳосил қилишга қаратилган чора-тадбирлар ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатиш;

2.1.10. Университет таклифига мувофиқ Институт профессор-ўқитувчиларини Университетда ўтказиладиган Якуний Давлат аттестациялари аъзолиги (раислиги)га ўрнатилган тартибда жўнатиш;

2.1.11. Келишувларга мувофиқ Институтнинг етакчи мутахассисларини Университетда ўқитилаётган иқтисодий фанлар йўналиши бўйича тегишли фанлари мавзуларидан намунавий машғулотлар, мастер-класслар ўтказишга жўнатиш;

2.1.12. Университетнинг ахборот-ресурс таъминоти ва моддий-техник салоҳиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, Институтнинг Ахборот-ресурс маркази, Ахборот технологиялари маркази ва Инновацион таълим технологиялари марказидан Университет эҳтиёжларига мувофиқ фойдаланишга имконият яратиш ва бошқалар.

Жамоат хавфсизлиги университетининг мажбуриятлари:

2.2.1. Университетда ўкув жараёни, ўкув-услубий, маънавий-маърифий, ташкилий-услубий ва илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш, такомиллаштириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида Институт томонидан сўралган ҳужжатлар ва материалларни ўз вақтида етказиб бериш;

2.2.2. Ҳамкорликда яратилаётган ўқув адабиётлари, ўқув-услубий мажмуалар ва ўқув-дидактик ишланмаларни Университет ўқув жараёнига тадбиқ этилишини ўрганиш, экспертизадан ўтказиш ва уларни янада такомиллаштириш мақсадида, Институт профессор-ўқитувчилари ва мутасадди ходимларини турли ишчи гурухлар ва комиссиялар таркибига жалб этиш;

2.2.3. Институтнинг малакали профессор-ўқитувчиларини Университет ўқув жараёнига жалб этиш;

2.2.4. Институт профессор-ўқитувчиларини Университетда ўтказиладиган Якуний Давлат аттестациялари аъзолиги (раислиги)га таклиф этиш;

2.2.5. Университетда ўтказиладиган тадбирлар, давра сухбатлари, семинар ва конференцияларга Институт профессор-ўқитувчиларини таклиф этиш;

2.2.6. Институттада ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш;

2.2.7. Институт етакчи мутахассисларини тажриба алмашиш мақсадида Университетда ўқитилаётган иқтисодий фанлар йўналиши бўйича намунавий машғулотлар, очик машғулотлар ва мастер-класслар ўтказишга таклиф этиш.

III. ШАРТНОМАНИНГ МАХСУС ШАРТЛАРИ

3.1.1. Шартнома бўйича томонлар мажбуриятларини бажариши борасида юзага келадиган низоларни ўзаро келишув орқали ҳал этадилар. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилди ва имзолangan вақтдан бошлаб 3 (уч) ўқув йили давомида кучга эга бўлади.


3.1.2. Шартномага тарафларнинг розилиги билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин ҳамда тарафларнинг келишувига кўра муддатидан олдин тугатилиши мумкин.

3.1.3. Амалга оширилиши маълум молиявий ресурсларни жалб қилишни тақозо этадиган айрим вазифаларнинг ижросини ташкил этиш мақсадида Университет ва ЖХУ ўртасида ўрнатилган тартибда қўшимча равища тегишли шартномалар тузилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

Манзил: Тошкент шаҳар,
Қазиробод 2-тор кўчаси, 118 уй.
Тел: 998-71-202-99-90;
Факс: 998-71-227-46-56;
Индекс: 100071

Манзил. Тошкент вилояти, Зангиота
тумани, Чорсу кўрғони
Тел: 998-71-230-32-71
Факс: 998-71-230-32-50
Индекс: 100211

Божхона қўмитасининг Божхона
институти “Иқтисодий ва
ижтимоий фанлар” кафедраси
бошлиғи божхона хизмати
полковниги, и.ф.н. доцент

Юлдашева У.
“12” июль 2023 йил

Ўзбекистон
Жамоат
университети
“Иқтисодий
фанлар” кафедраси бошлиғи,
и.ф.д.проф.

Ж.Ж.Урмонов
“12” июль 2023 йил